



Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Талқ ибн Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бир кечада икки марта витр ўқилмайди», деганларини эшитдим, дейди.

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Талқ ибн Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бир кечада икки марта витр ўқилмайди», деганларини эшитдим, дейди.

:Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Талқ ибн Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бир кечада икки марта витр ўқилмайди», деганларини эшитдим, дейди.

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрда ўқийдиган ушбу дуони ўргатдилар:

{Аллоҳумма ҳадайт, ва а'финий [1] фийман а'файт, ва тавалланий фийман таваллайт, ва ба'рик лий фийма' а'тойт, ва қиний

«Аллоҳуммаҳдиний фийман ҳадайт, ва а'финий [1] фийман а'файт, ва тавалланий фийман таваллайт, ва ба'рик лий фийма' а'тойт, ва қиний



Ислом Нури

шарро ма' қозойт, иннака тақзий ва ла' юқзо алайк, иннаҳу ла язиллу ман ва'лайт ва ла' яиззу ман аадайт, табарокта Роббана' ватаъалайт» (Яъни, Эй Аллоҳ! Мени ҳидоят этган кишиларинг қатори ҳидоят этгин. Офият (баданимдаю, ақидамда саломатлик, тўғрилик) ато этганларинг қаторида офият бергин. Яқин тутганларинг қаторида мени ҳам Ўзинга яқин этгин. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли этгин. Қазо-ҳукм қилган нарсаларинг ёмонлигидан мени асрагин. Албатта, Сен ҳукм қиласан. Сенга (қарши) ҳукм қилинмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас. Парвардигоро! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан.)

Имом Байҳақий Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган витр дуоסי эса қуйидагича:

{
} }
}

“Аллоҳумма иййа'ка наъбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насъа' ва нахфид, наржу роҳматака ва нахша' аза'бак, инна аза'бака бил куффа'ри мулҳақ. Аллоҳумма инна' настаъийнука ва настағфирука, ва нусний алайкал хойра ва ла' накфурук, ва нуъмину бика ва нахзаъу лака ва нахлаъу май якфурук” (яъни, Эй Аллоҳ! Сенга ибодат қиламиз ва Сен учун намоз ўқиб, саждалар қиламиз. Сен томон (яқин бўлиш учун) ҳаракат этиб, Сенга ошиқамиз. Раҳматингдан умидвормиз, азобингдан қўрқамиз. Албатта, азобинг кофирларга етгувчидир. Парвардигоро! Биз Сендан мадад сўраймиз, мағфират



Ислom Нури

тилаймиз. Сенга яхши сано-мақтовлар айтамыз. Сенга кофир бўлмаймиз. Сенга иймон келтириб, итоат этамыз ва Сенга кофир бўлган кимсаларни тарк қиламыз.)

Тоғлиқ сано-мақтовлар айтамыз. Сенга кофир бўлмаймиз. Сенга иймон келтириб, итоат этамыз ва Сенга кофир бўлган кимсаларни тарк қиламыз.)

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Абдулазиз ибн Журайж раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: Оиша розияллоҳу анҳодан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрда қайси сураларни ўқир эдилар?» деб сўрадик. «Биринчи рақъатда «Саббиҳисма роббикал аъла», иккинчи рақъатда «кул йа' аййуҳал ка'фирун» ва учинчи рақъатда «кул ҳуваллоҳу аҳад», «на'с» ва «фалақ» сураларини ўқир эдилар» деди.

Тоғлиқ сано-мақтовлар айтамыз. Сенга кофир бўлмаймиз. Сенга иймон келтириб, итоат этамыз ва Сенга кофир бўлган кимсаларни тарк қиламыз.)

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витр намозида салом бергач: «Субҳанал Маликил Қуддус» деб (уч марта) айтар эдилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кечада бир мартадан



Ислом Нури

ортиқ витр ўқишдан қайтардилар. Витрда ўқиладиган дуоларнинг лафзи турли иборалар билан келган бўлиб, буларнинг барчасини алмашлаб ўқиш суннатга мувофиқ бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрнинг биринчи ракъатида “Саббиҳисма”, иккинчисида “Қуля”, учинчисида “Ихлос”, “Фалақ” ва “Нос” сураларини ўқир эдилар. Витр намозидан салом берганларидан кейин “Субҳанал маликил қуддус”, деб уч марта айтар эдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Бир кечада бир мартадан ошиқ витр ўқилмайди. Кечанинг аввалида витр ўқиб олган одам, кечанинг охирида намоз ўқимоқчи бўлса икки ракъатдан қилиб ўқийверади, охирида витр ўқимайди.
2. Витр намозида ҳадисларда ворид бўлган кунут дуолари билан дуо қилиш мустаҳаб.
3. Витрда «Саббиҳисма» «Кафирун» ва «Ихлос» сураларини ўқиш афзал.
4. Витрдан кейин «Субҳанал маликил қуддус» деб уч марта айтиш ва охиргисини чўзиброқ қўйиш суннатдир.